

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ ҲАРБИЙ
ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.04/04.07.2023.Tib.171.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ
ҲАРБИЙ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ**

АЗИЗОВА ФАРИДА ФАХРИТДИН ҚИЗИ

**ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАР ҚОРИН БЎШЛИҒИ ГИПЕРТЕНЗИЯСИ
ШОШИЛИНЧ ҲОЛАТЛАРИДА АБДОМИНАЛ ЖАРРОҲЛИК
АРАЛАШУВИНИНГ КАРДИОВАСКУЛЯР АСОРАТЛАРИ
ПРЕДИКТОРЛАРИ**

14.00.43 –Профилактик тиббиёт

14.00.06 - Кардиология

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ

АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ- 2024

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Contents of the abstract of doctoral (DSc) dissertation

Азизова Фарида Фахритдин қизи Ҳарбий хизматчилар қорин бўшлиғи гипертензияси шошилиш ҳолатларида абдоминал жарроҳлик аралашувининг кардиоваскуляр асоратлари предикторлари.....	3
Азизова Фарида Фахритдин қизи Предикторы кардиоваскулярных осложнений в условиях внутрибрюшной гипертензии при urgentных состояниях у военнослужащих.....	32
Azizova Farida Faxhritdin kizi Predictors of cardiovascular complications in conditions of intra-abdominal hypertension during urgent conditions in military personnel.....	61
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works.....	67

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ ҲАРБИЙ
ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.04/04.07.2023.Tib.171.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ
ҲАРБИЙ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ**

АЗИЗОВА ФАРИДА ФАХРИТДИН ҚИЗИ

**ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАР ҚОРИН БЎШЛИҒИ ГИПЕРТЕНЗИЯСИ
ШОШИЛИНЧ ҲОЛАТЛАРИДА АБДОМИНАЛ ЖАРРОҲЛИК
АРАЛАШУВИНИНГ КАРДИОВАСКУЛЯР АСОРАТЛАРИ
ПРЕДИКТОРЛАРИ**

14.00.43 –Профилактик тиббиёт

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ- 2024

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси **Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Олий аттестация комиссиясида** H2023.3.DSc/Tib939 рақам билан рўйхатга олинган.

Фан доктори (DSc) диссертацияси **Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучлари ҳарбий тиббиёт академиясида** бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз(резюме)) илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tudofaa.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий консультант:	Мухамедова Мувиёга Гафуржановна тиббиёт фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Баймаков Сайфитдин Рискулович тиббиёт фанлари доктори, профессор Туракулов Ўқтим Нурмаматович тиббиёт фанлари доктори, доцент Кенжаев Мажит Латипович тиббиёт фанлари доктори
Етасчи ташкилот:	Самарқанд Давлат Тиббиёт Университети

Диссертация ҳимояси **Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучлари ҳарбий тиббиёт академияси** хузуридаги DSc.34/04.07.2023.Tib.171.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2024 йил «___» _____ соат _____ дақиқасида бўлиб ўтади. (Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Зиёлилар кўчаси 4. Тел./Факс (99871) 262-42-41, e-mail: qkhta_uz@mail.uz).

Диссертация билан **Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучлари ҳарбий тиббиёт академияси** Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Зиёлилар кўчаси 4. Тел./Факс (99871) 262-42-41).

Диссертация автореферати 2024 йил «___» _____ кунги тарқатилди.
(2024 йил «___» _____ дақиқаси _____ рақамли реестр баённомаси)



С.Ш. Миррахимова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси
уринбосари, тиббиёт фанлари доктори

Д.М. Нуралиева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Ғ.С. Халимбетов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
кошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари
доктори, доцент

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон мамлакатлари ҳарбий қурилишида жангавор-профессионал тайёргарлик билан бир қаторда, ҳарбий хизматчиларнинг тиббий саломатлигини таъминлаш шароитида тиббий профилактик тадбирлар шахсий таркибнинг саломатлик ҳолатини тиббий назорат қилиш, ҳарбий хизматни ўташ шароитлари ва ҳарбий хизматчиларнинг ҳаётини ўрганиш, уларнинг соғлиғига салбий таъсир кўрсатадиган омилларни ўз вақтида аниқлаш ва олдини олиш, тиббий ёрдам кўрсатиш, меҳнат қобилиятини ва жанговар самарадорлигини тиклашига кўра муҳим аҳамият касб этмоқда. «...ҳарбий хизматчиларда травматик ва барча ургент ҳолатларда қорин бўшлиғи гипертензияси оғир ҳолат деб қабул қилинган ва беморларда ўлимнинг асосий сабаби сифатида тан олинган. Ҳарбий ва шошилич тиббиёт, анестезиология ва интенсив терапия соҳасидаги мавжуд ютуқларга қарамай, қорин бўшлиғи жароҳатларида, қорин бўшлиғининг ўткир касалликлари билан оғриган беморларни даволаш натижалари муаммоли бўлиб қолмоқда, чунки ёпиқ қорин жароҳатлари сабабли ретроперитонеал гематомаларнинг ривожланиш ҳолатлари кўп қайт қилинган...»¹. Бугунги кунда ҳарбий хизматчиларда қорин бўшлиғи гипертензиясининг комплекс диагностика ва терапиясини ташкил қилиш ҳарбий тиббиёт соҳасидаги профилактик тиббиётнинг долзарб муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда.

Жаҳонда ҳарбий хизматчиларга оид тиббий тадқиқотлар таркибида интраабдоминал гипертензияни ривожланишида хавф омилларини ҳисобга олган ҳолда қорин ичи бўшлиғи гипертензияси учун комплекс диагностика ва терапияни такомиллаштириш борасида қатор мақсадли илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада ҳарбий хизматчилар орасида специфик бўлган травматик ҳолатлар ургент абдоминал ҳолатлар учраши билан бевосита юрак-қон томир тизимига салбий таъсир кўрсатиши натижасида ҳаётий учун хавф солувчи аритмиялар, ўткир коронар синдром, ўткир юрак етишмовчилигига олиб келиши мумкин ва бундай асоратлар олдини олиш мақсадида юрак-қон томир фаолиятини баҳоловчи замонавий ноинвазив диагностик усулларида эхокардиография, суткалик электрокардиография мониторинг кўрсаткичларини баҳолаш ҳамда ҳарбий хизматчиларда интраабдоминал гипертензиянинг комплекс диагностика ва профилактикасининг самарадорлигини баҳолашни кенгайтиришга қаратилган илмий тадқиқотлар алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш соҳасини ривожлантириш, тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, жумладан, турли этиологияли соматик касалликларни олдини олишга қаратилган муайян чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг етти

¹ Astori D.et al.,2018; Kim H.Y. et al., 2018

устувор йўналишига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «...бирламчи тиббий-санитария хизматида аҳолига малакали хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш...»² каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, жумладан, юрак-қон томир касалликларни олдини олиш соғлиқни сақлаш саводхонлик даражасини такомиллаштириш юзасидан тадқиқотларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида», 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6110-сон «Бирламчи соғлиқни сақлаш муассасалари фаолиятига принципиал янги механизмларни жорий этиш ва соғлиқни сақлаш тизимини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сон «Тиббий профилактика бўйича ишлар самарадорлигини янада ошириш орқали аҳоли саломатлигини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2021 йил 25 майдаги ПҚ-5124-сон «Соғлиқни сақлашнинг комплекс ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2021 йил 28 июлдаги ПҚ-5199-сон «Соғлиқни сақлаш соҳасида ихтисослаштирилган тиббий ёрдам тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи.

Ҳарбийларда абдоминал жарроҳлик аралашувларида қорин бўшлиғи босими ўткир кўтарилишида юрак қон-томир асоратлар ривожланишини эрта аниқлашга қаратилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан, Heart Failure and Cardiac Transplantation and †Nephrology and Hypertension, the Cleveland Clinic, Division of Cardiac Surgery, David Geffen School of Medicine at the University of California, David Geffen School of Medicine, University of California (АҚШ), Academic Department of Surgery, Institute of Applied Health Research, University of Birmingham (Буюк Британия), Department of Heart Diseases, Wroclaw Medical University, Institute of Heart Diseases, University Clinical Hospital (Полша), Department of Anesthesiology and Reanimation, Medicine Hospital, Department of Anesthesiology and Reanimation, University of Health Sciences Dr. Siyami Ersek Thoracic and Cardiovascular Surgery Training and Research Hospital (Туркия), Бошқирдистон давлат тиббиёт университети, Перм давлат

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони

тиббиёт университети (Россия), Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучлари ҳарбий тиббиёт академиясида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

Жаҳонда ургент ва ҳарбий хизматчи беморларда шошилиш қорин бўшлиғи жарроҳлик амалиётлари давомида қорин бўшлиғи гипертензияси натижасида турли хил юрак қон-томир асоратларининг келиб чиқишини эрта башоратлаш ва ўлим ҳолатларини олдини олиш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор илмий янгиликлар олинган, жумладан: қорин бўшлиғи жарроҳлик амалиётлари пайтида қорин бўшлиғи босимининг ошиши натижасида юрак қон-томир асоратларидан – миокард инфаркти ва юрак тўхташи каби асоратларнинг келиб чиқишида семизликнинг аҳамияти юқори эканлиги исботланган (School of Biomedical Sciences, Queensland University of Technology, Австралия); қорин бўшлиғи жарроҳлик амалиётлари пайтида қорин бўшлиғи босимини назорат қилиш юрак қон-томир асоратлари олдини олиши исботланган (Department of Critical Care Medicine, Ghent University Hospital, Белгия); қорин бўшлиғи жарроҳлик амалиётлари пайтида абдоминал декомпрессия юрак қон-томир асоратлари олдини олиши ва ўлим хавфини камайтириши исботланган (Department of Critical Care, University Medical Center Groningen, University of Groningen, Нидерландия).

Ҳарбий хизматчиларда ургент тиббиётда асорат сифатида учрайдиган қорин ичи гипертензияси ва унинг ҳаётий орган ва тизимларига салбий асорати жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, Ҳарбий-Тиббиёт Академияси(Минск), ГИ УВ МО – Москва Марказий ҳарбий госпитали (Россия), Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучлари ҳарбий тиббиёт академиясида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда. Жаҳонда ўткир абдоминал патологиясининг асорати бўлмиш қоринича гипертензиясини ҳарбий беморларда эрта аниқлаш, ташхислаш ва даволашни оптималлаштириш мақсадида олимлар томонидан қоринича гипертензияси юрак-қон томир тизимининг дестабиллашишида алоҳида омил бўлиб, ҳаётий хавф ташувчи аритмияларни, ўткир коронар синдроми ва юрак етишмовчилигини ривожланишига туртки беради.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. ЖССТнинг статистик таҳлилига кўра дунёда кейинги 10 йил ичида қорин бўшлиғи гипертензияси (ҚБГ) диагностикаси бўйича тадқиқотларнинг мета-таҳлили натижаларини тақдим этган [Гаин Ю.М., 2014]. Адабиётда мавжуд бўлган кўплаб маълумотларга қарамай, бу касалликларни ривожланишининг кўп жиҳатлари тўлиқ очиб берилмаган. Патофизиологик ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда, қорин бўшлиғидаги босимнинг ошиши билан диафрагмани юқорига суриб юрак ва қон томирларига узатиладиган ўртача кўкрак ичи босимни ошиши ва бу ўз навбатида миокард босим градиентининг пасайишига олиб келишига ҳамда юрак қоринчаларининг диастолик тўлишини чекланишига сабаб бўлади [Barnes G.E.,2013]. Ҳарбий хизматчиларда қорин бўшлиғи ва ретроперитонеал бўшлиқдаги ўткир ривожланган гематомалар ҚБГнинг ошишига олиб келиши мумкин [Cheatham M.L.,2010]. Қорин бўшлиғида босимининг ошиши диафрагмани юқорига кўтаради, плевра бўшлиқларидаги босимни оширади ва шу билан плевра бўшлиқларидаги босимни сезиларли

даражада ошириб, ўртача кўкрак ичидаги босимни сезиларли даражада ошиши ҳамда катта томирларнинг тонусига ва юрак ишлашига салбий таъсир кўрсатади [Malbrain M.L.,2016, Barbosa Barros M., 2013]. Қорин бўшлиғи босимининг 40 мм.сим.уст.га кўтарилиши иккала ўпканинг пастки бўлақларида ателектаз пайдо бўлишига олиб келади. Тахикардиянинг кучайиши юрак отиш ҳажмини сезиларли даражада камайтиради. Қорин бўшлиғи босим ошиши билан умумий периферик қон томир қаршилиги ортиши қон босими турли хил – терминал босқичларда яққол гипотензия билан ҳам намоён бўлиши мумкин [Manu L.,Malbrain N.G.,2006]. Жаҳон маълумотларига кўра, ўткир битишмали ичак тутилиши (ЎБИТ) қорин бўшлиғи барча жарроҳлик касалликларининг 4,5% ни ташкил қилган [С.В. Карашуров, 2018] ва ичак тутилишининг бошқа турлари орасида етакчи ўринни эгаллаган қорин бўшлиғи битишмали касаллигининг яққол оғир белгилари билан намоён бўлган. Ўткир битишмали ичак тутилиши механик ичак тутилиши барча турларининг камида 60% ни [Н.И. Глушков ва ҳаммул., 2016], ўсмага алоқадор бўлмаган ичак тутилишининг 94,5% ни [В.И. Белоконев ва ҳаммуал., 2019] ва ичак тутилиши барча турларининг 57,5-79,2% ни ташкил этади [Н.В. Заруцкая, Е.Б. Фролов, 2017]. Шуни таъкидлаш керакки, ҳозирги вақтда механик обструкция таркибида ўткир битишмали ичак тутилишининг кўпайиши кузатилмоқда [Н.П. Гатауллин, 2009]. Ўткир битишмали ичак тутилиши ташхиси билан клиникага ётқизилган беморларнинг 39,4-84,1% да шошилиш жарроҳлик амалиёти ўтказилади [В.К. Гостишев ва ҳаммул., 2014]. Операциядан кейинги ўлим 4,6% дан 21% гача тебраниб туради [Е. М. Блажитко ва ҳаммуал., 2014; ГЛ.Александрович ва ҳаммуал., 2017]. Адабиётларда юрак ҳажми ва юрак индексларини ўлчаш ҚБГ синдромида гемодинамикадаги ўзгаришлар ҳақида ишончли маълумотлар келтирилган [Евсеев М. А., 2011]. Таърифланган асоратларнинг ривожланишига йўл қўймаслик учун даволаш усулини танлаш ва ҚБГ ни ўз вақтида ташхислаш муҳимдир. Ҳозирча ИБДҚБГ профилактикаси бўйича ягона ёндашув мавжуд эмас ва бу кейинги тадқиқотлар ўтказилишини ва бу муаммони янада чуқур ўрганишни долзарб қилади.

Ўзбекистонда интраабдоминал гипертензия синдроми ургент ҳолатларда учрайдиган асорат бўлиб, кўп йиллар давомида жаҳон олимлари томонидан ўрганиб келинмоқда. Бу синдром Ўзбекистон олимлари томонидан 2005 йиллардан бошлаб чуқур ўрганиб келинмоқда [ТВМОИ, анестезиология-реаниматология каф.мудир проф.Сабиоров Дж.М. ва бшқ] томонидан “Интраабдоминал гипертензияни сунний нафас олиш жиҳозларига боғлиқ беморларга таъсири” [т.ф.н. Сагдуллаев А.С.], сунний нафас жиҳозларига боғлиқ беморларга ҳаво ва кислород бериш босимлари поғонали бўлиши зарурияти исботланган ва интраабдоминал босим даражасига мослаштирилган бўлиши исботланган, мақсад- алвеолар босимни сақлаб, ўпка тўқималарида зарарланишни олдини олиш . Айнан бу кафедра олимлари томонидан “Интраабдоминал гипертензияни жигар ва мезентериал қон оқимига таъсири” илмий изланиш бўлиб, бунда интраабдоминал босимни кўтарилиши дастлаб даражаларидан гепатик ва мезентериал қон

айланишининг бузилиш белгилари ташхисланган ва бу билан бирга қон оқим тезлиги сусайган , қон реологияси салбий томонга ўзгарган. Кейинги йилларда травматологик беморларда –“Қорин ёпик травмаларида интраабдоминал гипертензия синдроми ривожланиши ва асоратлари” [И.Ш.Эргашев., И.Шоназаров 2019й.] томонларидан ўрганилган ва қатор илмий мақола чоп этилиб, интраабдоминал гипертензиянинг қорин перфузион босимига тўғридан таъсири таъкидланган. Айнан бу гуруҳ олимлар томонидан “Ичак инвагинацияси ва интраабдоминал гипертензия ривожланиш механизмлари” мавзусида илмий тадқиқотлар олиб борилган. Бундан ташқари, интраабдоминал гипертензиясининг даражалари ошиши ҳамда турли патогенетик алоқалар ўртасидаги боғлиқликни аниқлаш ҳисобига ушбу патологиянинг олдини олиш ва терапевтик даволашда янги ёндашувларни ишлаб чиқиш долзарб вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Бизнинг тадқиқотимиз ушбу саволларни ҳал қилишга бағишланган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот иши режа билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Қурулли кучлари Ҳарбий Тиббиёт Академиясининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №01.1100153 ва РШТЁИМ №12/732.2023 «Интраабдоминал гипертензиянинг юрак қон-томир тизимига салбий таъсирининг профилактикаси» мавзусидаги илмий лойиҳа доирасида бажарилган (2016-2024 йй).

Тадқиқотнинг мақсади ҳарбий хизматчиларда ҚБГ ҳамроҳ асорати кўринишидаги абдоминал бўшлиқ шошилиш жарроҳлигида ва жарроҳлик амалиёти олди ўткир кардиоваскуляр асоратлар предикторларини ташхислаш усулларини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

ҳарбий хизматчиларда абдоминал жарроҳлик ва қорин травмаларида қорин бўшлиғи гипертензияси учраш даражасини ўрганиш;

қорин бўшлиғи босимининг кескин ошиши билан ҳарбий беморларда марказий, юрак ичи гемодинамика, миокарднинг контрактил фаолиятига таъсирини баҳолаш;

юрак гемодинамикаси бузилишини эрта (жарроҳлик олди) ташхислашда ва ўткир коронар ҳодисаларнинг ривожланишида инвазив бўлмаган усул–ЭхоКГнинг роли ва кардиоспесифик ферментлар даражасини баҳолаш;

ҳарбий беморларда интраабдоминал гипертензиянинг сурункали ва ўткир ошиши билан солиштирганда юрак фаолиятидаги дисфункцияларнинг ривожланиш хусусиятлари ўрганиш;

ҳарбий беморларда жарроҳлик олди интраабдоминал гипертензия сабабли юзага келган ўткир коронар синдроми ва аритмияларни профилактикасининг диагностика алгоритминини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон Республикаси Қурулли кучлари марказий ҳарбий клиник госпиталда 2016-2024 йиллар давомида абдоминал жарроҳлик ўтказган 502 нафар ҳарбий хизматчилар ва Республика

шошилишч тиббий ёрдам илмий маркази клиникасида жарроҳлик реанимациясида 414 нафар фуқаролар таҳлил натижалари олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида беморларни физикал текширувлари, инструментал текширувлари (интравезикуляр босим ўлчови, марказий веноз босим), қоннинг лаборатор таҳлиллари жумладан қон биохимик таҳлиллари (тропонин, МвКФК) ва коагулограмма таҳлил кўрсаткичлари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда анамнестик маълумотлар, физикал текшириш, тонометрия, Эхокардиография, мониторинг ЭКГ, ҚББ ўлчаш ҳамда лаборатор усуллар: гемоталогик, умумий биохимия ва статистик усуллардан (t- Стьюдента ва Пирсон критерияси) фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор интраабдоминал гипертензия сабабли қоринчалар дисфункцияси ривожланиши фонида, коронар қон ҳажмининг кескин камайиши ва миокард гипоксияси ривожланиши билан ҳаёт учун хавф солувчи аритмиялар юзага келиши (юқори синфли навбатдан ташқари қоринчалар деполеризацияси, қоринчалар ва қорича усти пораксизмал тахикардиялар, юқори даражали блокадалар) аниқланган;

илк бор интраабдоминал гипертензия фонида қорин ва кўкрак ичи босим ошиши ҳисобидан юракни механик фаолиятининг кескин лимитланиши сабабли миокарднинг ўткир гипоксия ҳолатига ва юрак камераларининг ремоделланишига олиб келиши исботланган;

илк бор ҳарбий хизматчиларда интраабдоминал гипертензияси ҳисобидан, юрак ичи гемодинамикасининг дисфункцияси, магистрал ва периферик томирларнинг қаршилигининг ортиши аниқланган;

илк бор интраабдоминал гипертензия сабабли қоринчалар дисфункцияси ривожланиши фонида, коронар қон ҳажмининг кескин камайиб кетиши ва миокардда ўткир ўчоқли ўзгаришлар ривожланиши билан (ўткир коронар синдром, Q-тишчали ва Q-тишчасиз ўткир миокард инфаркти)га олиб келиши исботланган;

илк бор интраабдоминал гипертензияси сабабли юзага келган ўткир юрак ходисаларининг асоратини камайтиришга қаратилган юрак протекциясининг алгоритми такомиллаштирилган(ноинвазив усул-ЭХОКГ нинг юрак фаолияти ўткир бузилиши специфик белгилари,кардиоспецифик ферментлар бошланғич патологик даражасининг кўрсаткичлари, Электрокардиография ўзгариш паттернлари ,-ва буларнинг барчасининг клиник ҳолат билан корреляциясининг эрта ташхислашдаги роли).

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ҳарбий хизматчиларда жарроҳлик олди ўткир коронар синдроми хавфи билан бирга келадиган юрак қон-томир патологияси бўлган ўткир қорин патологияси ва ёпиқ қорин шикастланиши мавжуд беморларда жарроҳлик амалиётигача бўлган даврда ЭХОКГ диагностикаси усулининг қиймати баҳоланган;

ҳарбий хизматчи беморларнинг ёш контингентида ўткир коронар ходисалар ва ҳаётий хавф ташкил қилувчи юрак аритмияси пайдо бўлишида қорин бўшлиғи босимини кучайтирувчи таъсири баҳоланган;

шошилиш тиббиётда кардиологик беморларда қорин бўшлиғи босимининг кўтарилиш даражаси ва жарроҳлик олди миокард инфаркти частотасининг ўзаро корреляцион боғлиқлиги баҳоланган;

қорин бўшлиғи босимининг ошиши билан мураккаблашган ўткир қорин патологияси бўлган беморларда қўшимча юрак қон-томир асоратларининг профилактика режасининг алгоритми ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада материал танланганлиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, бири иккинчисини тўлдирадиган тажриба, умумклиник, биокимёвий, инструментал, функционал, сўровнома ва статистик тадқиқот усуллар ёрдамида ҳарбий беморларда интраабдоминал гипертензия патогенезини илмий асослаш ва олдини олиш тадбирларини ишлаб чиқиш халқаро ҳамда маҳаллий муаллифлар маълумотлари билан таққослангани, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқотнинг илмий-амалий натижалари.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти -қорин бўшлиғи босимининг ошиши билан мураккаблашган ўткир қорин патологияси бўлган беморларда қўшимча юрак қон-томир асоратларининг олдини олишда ёндашув алгоритми ишлаб чиқилган. Алгоритм асосида диагностик текширувлардан ЭхоКГ замонавий режимларидан: Допплер эхокардиография, Рангли доплерография усулларидан фойдаланилган, тўқималарни доплери ўрганилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, тадқиқот ишлари давомида олинган натижалар абдоминал ургент жарроҳлигида учрайдиган ИАГ синдроми патогенези янада чуқур ўрганилган ва унинг юрак-қон томир тизимига бўлган салбий таъсири периперацион ўткир миокард инфарктига қадар йуксалиши кўрсатилган. Олинган илмий натижалар келажакда ўқув-методик ва методик қўлланмаларга киритилиб Олий мактаб тизими ва тиббиёт амалий тизимида хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти периператив миокард инфаркти, ўткир коронар синдроми, аритмиялар хавфи, юрак қон-томир патологияси ва ўткир қорин патологияси мавжуд бўлган ҳарбий хизматчи беморларда жарроҳлик амалиётидан олдинги даврда юзага келадиган асоратлар, профилактикасида фундаментал асос сифатида хизмат қилиши мумкин ва бу эса аввало патогенезнинг етакчи занжири ҳисобланган ИАГ ЭХОКГ диагностикасини оптималлаштириши билан изоҳланади. Тадқиқот амалий натижалари амалий тиббиётда диагностикани янада такоммиллаштиришга ва профилактикадаволаш ишларни беморларнинг яшаш сифатини яхшилашга қаратилган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.

биринчи илмий янгилик: илк бор ҳарбий хизматчиларда интраабдоминал гипертензияси ҳисобидан, юрак ичи гемодинамикасининг дисфункцияси,

магистрал ва периферик томирларнинг қаршилигини ортиши аниқлангани бўйича олинган илмий натижалар асосида “Способ прогнозирования инфаркта миокарда у пациентов с острой абдоминальной патологией на фоне внутрибрюшной гипертензии” ва “Способ профилактики острого коронарного синдрома у пациентов с внутрибрюшной гипертензией при ургентной абдоминальной патологии в военной медицине” мавзусидаги услубий тавсиянома ЎР ҚК ХТА мувофиқлаштирувчи эксперт кенгашининг 8.10.24 йилдаги 8-сон ҳамда ХТА илмий кенгашининг 11.10.24 йилдаги 14-сон баённомалари билан тасдиқланган ҳамда ЎзР Мудофаа вазирлигининг 21.10.2024 йилдаги 425-сонли кўрсатма хатига асосан Фарғона ҳарбий госпитали бўйича 21.10.2024 йилдаги 22/10-сон, Марказий ҳарбий госпитали бўйича 25.10.2024 йилдаги 19/4-сон, Самарқанд ҳарбий госпитали бўйича 25.10.2024 йилдаги 34-сон буйруқлари билан амалиётга татбиқ этилган (ЎзР Мудофаа вазирлигининг 28.10.2024 йилдаги 430-сонли маълумотномаси). *Тиббий-ижтимоий самарадорлиги:* мазкур илмий янгилик интраабдоминал гипертензия ҳолатида юрак қон-томир тизимининг асоратларини олдини олиш орқали касалликларни даволаш харажатларини тежаш ва ногиронликни камайтириш натижасида ҳарбий хизматчиларнинг хизмат муддатини узайтириш ва яшаш сифатини яхшилаш тўғрисидаги маълумотлардан хабардор бўлишига хизмат қилган. *Тиббий-иқтисодий самарадорлиги:* ҳарбий хизматчиларни ташхислаш ва даволаш ишларига сарфланадиган 1,5 млн сўмни иқтисод қилиш имкони беришга муайян даражада хизмат қилган;

иккинчи илмий янгилик: илк бор интраабдоминал гипертензия фонида қорин ва кўкрак ичи босим ошиши ҳисобидан юракни механик фаолиятининг кескин лимитланиши сабабли миокарднинг ўткир гипоксия ҳолатига ва юрак камераларининг ремоделланишига олиб келиши исботлангани аниқлангани бўйича олинган илмий натижалар асосида “Способ прогнозирования инфаркта миокарда у пациентов с острой абдоминальной патологией на фоне внутрибрюшной гипертензии” ва “Способ профилактики острого коронарного синдрома у пациентов с внутрибрюшной гипертензией при ургентной абдоминальной патологии в военной медицине” мавзусидаги услубий тавсиянома ЎР ҚК ХТА мувофиқлаштирувчи эксперт кенгашининг 8.10.24 йилдаги 8-сон ҳамда ХТА илмий кенгашининг 11.10.24 йилдаги 14-сон баённомалари билан тасдиқланган ҳамда ЎзР Мудофаа вазирлигининг 21.10.2024 йилдаги 425-сонли кўрсатма хатига асосан Фарғона ҳарбий госпитали бўйича 21.10.2024 йилдаги 22/10-сон, Марказий ҳарбий госпитали бўйича 25.10.2024 йилдаги 19/4-сон, Самарқанд ҳарбий госпитали бўйича 25.10.2024 йилдаги 34-сон буйруқлари билан амалиётга татбиқ этилган (ЎзР Мудофаа вазирлигининг 28.10.2024 йилдаги 430-сонли маълумотномаси). *Тиббий-ижтимоий самарадорлиги:* мазкур илмий янгилик интраабдоминал гипертензия ҳолатида юрак қон-томир тизимининг асоратларини олдини олиш орқали касалликларни даволаш харажатларини тежаш ва ногиронликни камайтириш натижасида ҳарбий хизматчиларнинг хизмат муддатини узайтириш ва яшаш сифатини яхшилаш тўғрисидаги маълумотлардан хабардор бўлишига хизмат қилган. *Тиббий-иқтисодий самарадорлиги:*

ҳарбий хизматчиларни ташхислаш ва даволаш ишларига сарфланадиган 1,5 млн сўмни иқтисод қилиш имкони беришга муайян даражада хизмат қилган;

учинчи илмий янгилик: илк бор интраабдоминал гипертензия сабабли қоричалар дисфункцияси ривожланиши фониди, коронар қон ҳажмининг кескин камайиши ва миокард гипоксияси ривожланиши билан ҳаёт учун хавф солувчи аритмиялар юзага келиши (юқори синфли навбатдан ташқари қоринчалар деполеризацияси, қоринчалар ва қорича усти пораксизмал тахикардиялар, юқори даражали блокадалар) аниқлангани бўйича олинган илмий натижалар асосида “Способ прогнозирования инфаркта миокарда у пациентов с острой абдоминальной патологии на фоне внутрибрюшной гипертензии” ва “Способ профилактики острого коронарного синдрома у пациентов с внутрибрюшной гипертензии при ургентной абдоминальной патологии в военной медицине” мавзусидаги услубий тавсиянома ЎР ҚҚ ХТА мувофиқлаштирувчи эксперт кенгашининг 8.10.24 йилдаги 8-сон ҳамда ХТА илмий кенгашининг 11.10.24 йилдаги 14-сон баённомалари билан тасдиқланган ҳамда ЎзР Мудофаа вазирлигининг 21.10.2024 йилдаги 425-сонли кўрсатма хатига асосан Фарғона ҳарбий госпитали бўйича 21.10.2024 йилдаги 22/10-сон, Марказий ҳарбий госпитали бўйича 25.10.2024 йилдаги 19/4-сон, Самарқанд ҳарбий госпитали бўйича 25.10.2024 йилдаги 34-сон буйруқлари билан амалиётга татбиқ этилган (ЎзР Мудофаа вазирлигининг 28.10.2024 йилдаги 430-сонли маълумотномаси).

Тиббий-ижтимоий самарадорлиги: мазкур илмий янгилик интраабдоминал гипертензия ҳолатида юрак қон-томир тизимининг асоратларини олдини олиш орқали касалликларни даволаш харажатларини тежаш ва ногиронликни камайтириш натижасида ҳарбий хизматчиларнинг хизмат муддатини узайтириш ва яшаш сифатини яхшилаш тўғрисидаги маълумотлардан хабардор бўлишига хизмат қилган. *Тиббий-иқтисодий самарадорлиги:* ҳарбий хизматчиларни ташхислаш ва даволаш ишларига сарфланадиган 1,5 млн сўмни иқтисод қилиш имкони беришга муайян даражада хизмат қилган;

тўртинчи илмий янгилик: илк бор интраабдоминал гипертензия сабабли қоричалар дисфункцияси ривожланиши фониди, коронар қон ҳажмининг кескин камайиб кетиши ва миокардда ўткир ўчоқли ўзгаришлар ривожланиши билан (ўткир коронар синдром, Q-тишчали ва Q-тишчасиз ўткир миокард инфаркти)га олиб келиши исботлангани бўйича олинган илмий натижалар асосида “Способ прогнозирования инфаркта миокарда у пациентов с острой абдоминальной патологии на фоне внутрибрюшной гипертензии” ва “Способ профилактики острого коронарного синдрома у пациентов с внутрибрюшной гипертензии при ургентной абдоминальной патологии в военной медицине” мавзусидаги услубий тавсиянома ЎР ҚҚ ХТА мувофиқлаштирувчи эксперт кенгашининг 8.10.24 йилдаги 8-сон ҳамда ХТА илмий кенгашининг 11.10.24 йилдаги 14-сон баённомалари билан тасдиқланган ҳамда ЎзР Мудофаа вазирлигининг 21.10.2024 йилдаги 425-сонли кўрсатма хатига асосан Фарғона ҳарбий госпитали бўйича 21.10.2024 йилдаги 22/10-сон, Марказий ҳарбий госпитали бўйича 25.10.2024 йилдаги

19/4-сон, Самарқанд ҳарбий госпитали бўйича 25.10.2024 йилдаги 34-сон буйруқлари билан амалиётга татбиқ этилган (ЎзР Мудофаа вазирлигининг 28.10.2024 йилдаги 430-сонли маълумотномаси).

Тиббий-ижтимоий самарадорлиги: мазкур илмий янгилик интраабдоминал гипертензия ҳолатида юрак қон-томир тизимининг асоратларини олдини олиш орқали касалликларни даволаш харажатларини тежаш ва ногиронликни камайтириш натижасида ҳарбий хизматчиларнинг хизмат муддатини узайтириш ва яшаш сифатини яхшилаш тўғрисидаги маълумотлардан хабардор бўлишига хизмат қилган. *Тиббий-иқтисодий самарадорлиги:* ҳарбий хизматчиларни ташхислаш ва даволаш ишларига сарфланадиган 1,5 млн сўмни иқтисод қилиш имкони беришга муайян даражада хизмат қилган;

бешинчи илмий янгилик: илк бор интраабдоминал гипертензияси сабабли юзага келган ўтир юрак ходисаларининг асоратини камайтиришга қаратилган юрак протекциясининг алгоритми такомиллаштирилгани бўйича олинган илмий натижалар асосида “Способ прогнозирования инфаркта миокарда у пациентов с острой абдоминальной патологии на фоне внутрибрюшной гипертензии” ва “Способ профилактики острого коронарного синдрома у пациентов с внутрибрюшной гипертензии при ургентной абдоминальной патологии в военной медицине” мавзусидаги услубий тавсиянома ЎР ҚК ХТА мувофиқлаштирувчи эксперт кенгашининг 8.10.24 йилдаги 8-сон ҳамда ХТА илмий кенгашининг 11.10.24 йилдаги 14-сон баённомалари билан тасдиқланган ҳамда ЎзР Мудофаа вазирлигининг 21.10.2024 йилдаги 425-сонли кўрсатма хатига асосан Фарғона ҳарбий госпитали бўйича 21.10.2024 йилдаги 22/10-сон, Марказий ҳарбий госпитали бўйича 25.10.2024 йилдаги 19/4-сон, Самарқанд ҳарбий госпитали бўйича 25.10.2024 йилдаги 34-сон буйруқлари билан амалиётга татбиқ этилган (ЎзР Мудофаа вазирлигининг 28.10.2024 йилдаги 430-сонли маълумотномаси). *Тиббий-ижтимоий самарадорлиги:* мазкур илмий янгилик интраабдоминал гипертензия ҳолатида юрак қон-томир тизимининг асоратларини олдини олиш орқали касалликларни даволаш харажатларини тежаш ва ногиронликни камайтириш натижасида ҳарбий хизматчиларнинг хизмат муддатини узайтириш ва яшаш сифатини яхшилаш тўғрисидаги маълумотлардан хабардор бўлишига хизмат қилган. *Тиббий-иқтисодий самарадорлиги:* ҳарбий хизматчиларни ташхислаш ва даволаш ишларига сарфланадиган 1,5 млн сўмни иқтисод қилиш имкони беришга муайян даражада хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 8 та илмий-амалий анжуманларида, жумладан, 4 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 22 та илмий иш чоп этилган бўлиб, булардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола, жумладан, 5 таси республика ва 6 таси хорижий журналларда нашр этилган. 1та услубий тавсиянома ва 2та ЭҲМ учун дастур яратилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, олти боб, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 195 бетни ташкил этган.

Диссертациянинг асосий мазмуни

Кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги асослаб берилган, тадқиқот мавзусининг ўрганилганлик даражаси тўғрисида маълумот келтирилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари тавсифланган, шунингдек, мавзусининг ўрганилганлик даражаси кўрсатиб ўтилган. Тадқиқот объекти ва предмети аниқланган, тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти изоҳланган. Методология ва тадқиқот усуллари кўрсатилган, ҳимояга олиб чиқиладиган қоидалар таърифланган. Шунингдек, мазкур бўлимда тадқиқот натижалари жорий этилган ташкилотлар тўғрисидаги маълумотлар, тадқиқот мавзуси бўйича муаллифнинг илмий ишлари ва нашр қилинган ишлари ҳақидаги маълумотлар акс этган. Муаллифнинг тадқиқотдаги шахсий ҳиссаси ҳамда диссертация тадқиқотининг ҳажми ва тузилиши кўрсатиб ўтилган.

Диссертациянинг биринчи бобида интраабдоминал гипертензиясида (ИАГ) қон айланишининг бузилиши муаммоси бўйича адабиётлар шарҳи келтирилган. Интраабдоминал босими ва интраабдоминал гипертензияси ҳақидаги замонавий тасавурлар, ИАГ патофизиологияси ҳақида маълумотлар тақдим этилган. ИАГ пайдо бўлишининг хавф омиллари ва сабаблари кўриб чиқилган, мазкур ҳолатнинг классификацияси батафсил ёритилган, интраабдоминал босимини назорат қилиш аҳамияти кўрсатилган. ИАГ юзага келадиган юрак-қон томир асоратлари баён қилинган. Шунингдек, абдоминал жарроҳлик аралашувлари ўтказилган беморларда миокард инфаркти ривожланишининг хавф омиллари бўйича адабиётлар таҳлили келтирилган.

Диссертациянинг иккинчи боби «Тадқиқот материаллари ва усуллари» деб номланган бўлиб, у ерда тадқиқот схемаси ва босқичлари баён этилган. Тадқиқотнинг биринчи босқичида шошилиш жарроҳлик касалликлари ва қорин жароҳатлари бўлган 916 нафар бемор таҳлил қилинди. Уларнинг 431 нафари (47,1%) аёллар, 485 нафари (52,9%) эркеклар эди. Ёш тоифалари бўйича беморлар нисбатан тенг тақсимланган, аммо қария ёшдаги беморлар камчилиқни ташкил этган — 21,0% (1-жадвал).

Тадқиқотда шошилиш жарроҳлик касалликлари ва қорин жароҳатлари билан оғриган 916 нафар бемор иштирок этган. Уларнинг 35,9% (329 нафар) операция олди давридаги асорат интраабдоминал босим юқори (ИАБ) бўлган, қолган 64,1% (587 нафар) беморларда интраабдоминал босим нормал даражада бўлган. ИАГ бўлган беморлар орасида эркеклар кўпроқ — 52,3%, қария ва ёши улуг инсонлар эса тегишли равишда 31,3% ва 29,8% ни ташкил этган. Нормал интраабдоминал босимига эга беморлар орасида эса ёш ва ўрта

ёшдаги шахслар устунлик қилган — тегишли равишда 33,0% ва 29,6%, шунингдек, аёллар — 55,9% ни ташкил этган (1-жадвал).

Тадқиқотнинг иккинчи босқичида киритиш ва чиқариб ташлаш мезонларига мувофиқ 232 нафар бемор танлаб олинди. Асосий гуруҳ (АГ)ни ҳарбий хизматчилардан иборат 112 нафар бемор (48,3%) ташкил этди. Ушбу гуруҳда А-қисмга 39 нафар бемор (34,8%) — ИАГ бўлганлар (ИАГ+), В-қисмга эса 73 нафар бемор (65,2%) — ИАГ бўлмаганлар (ИАГ-) киритилди (2-жадвал).

1-жадвал.

Тадқиқотнинг биринчи босқичида беморларни жинси ва ёши бўйича тақсимланиши

Хусусиятлар	Гуруҳ босими юқори (ИАГ+)		p<	Ичқовок босими нормал (ИАГ-)		Жами	
Эркаклар	172	52.3%	0.05	259	44.1%	431	47.1%
Аёллар	157	47.7%	0.05	328	55.9%	485	52.9%
Жами	329	35.9%	0.001	587	64.1%	916	100.0%
Гендер индекси (Эркак/Аёл)	1.1			0.8		0.9	
Ёш							
18-44 ёш (Ёшлар)	48	14.6%	0.001	194	33.0%	242	26.4%
45-59 ёш (Ўрта ёш)	80	24.3%		174	29.6%	254	27.7%
60-74 ёш (Кексалик ёши)	103	31.3%	0.05	125	21.3%	228	24.9%
75-90 ёш (Катта ёш)	98	29.8%	0.001	94	16.0%	192	21.0%
Жами	329	35.9%	0.001	587	64.1%	916	100.0%

Эслатма: *p* — статистик аҳамият даражаси, Фишер мезони асосида гуруҳлар орасида ҳисобланган.

Солиштирув гуруҳи (СГ)га 120 нафар фуқаролар (51,7%) киритилди. СГнинг А-қисм гуруҳи ИАГга эга бўлган 49 нафар беморни (СГдаги беморлар сонининг 40,8%) ташкил қилди, В-қисм СГга эса ИАГга эга бўлмаган 71 нафар бемор (СГдаги беморлар сонининг 59,2%) киритилди (2-жадвал).

2-жадвал.

Беморларни гуруҳлар ва кичик гуруҳларга тақсимлаш (тадқиқотнинг II босқичи)

Гуруҳлар	Гуруҳлар	Пациентлар сони (n)	%	Жами (n)	%
	А-қисм (ИАГ+)	В-қисм (ИАГ-)			

Асосий гуруҳ (АГ), ҳарбий хизматчилар	39	34.8%	73	65.2%	112 (48.3%)
Солиштирув гуруҳи (СГ), фуқаролар	49	40.8%	71	59.2%	120 (51.7%)
Жами	88	37.9%	144	62.1%	232 (100.0%)

Эслатма: ИАГ — интраабдоминал гипертензияси.

Тадқиқот усуллари қуйидагиларни ўз ичига олади: биокимёвий таҳлиллар (АЛТ, АСТ, МВ-КФК ва қонда тропонин-Т миқдорини аниқлаш), коагулограмма, қон босими мониторинги, ЭКГ-мониторинг, ЭХО-кардиографик таҳлил, қорин бўшлиғи органларининг УЗИ, Фолея катетери ёрдамида S.E.Bradley ва G.P.Bradley усулига асосланган интраабдоминал босимини ўлчаш, кўкрак қафаси ва қорин бўшлиғи органларининг рентгенологик текшируви («Спектр-Рентген _Гамма» SRG аппаратида), ҳамда натижаларнинг статистик қайта ишланиши.

III боб «Ўткир абдоминал патологияси бўлган беморларнинг хусусиятлари». Тадқиқотнинг биринчи босқичида 916 беморнинг 35,9% (329 бемор) операциягача бўлган даврда интраабдоминал босимининг ошиши билан боғлиқ асоратларга эга бўлгани аниқланди, 64,1% (587 бемор) эса нормал интраабдоминал босимига эга эди (1-расм).





Эслатма. Жигарранг – ошган, ҳаворанг – норма

1-расм. 916 нафар беморда ИАБ ошиш тарқалиши, тадқиқотнинг I босқичи.

Ошган интраабдоминал босими (ИАБ) бўлган беморлар орасида эркаклар устунлик қилган (52,3%), шунингдек, қария ва ёши улуғ шахслар тегишли равишда 31,3% ва 29,8% ни ташкил қилган. Нормал ИАБга эга беморлар орасида ёш ва ўрта ёшдаги шахслар устунлик қилган – 33,0% ва 29,6% тегишли равишда, шунингдек, аёллар – 55,9% (2-расм).

ИАБнинг жинсга боғлиқ равишда тарқалиши шуни кўрсатадики, эркаклар ошган ИАБдан кўпроқ жабр кўришади, аёлларда эса нормал ИАБ кўпроқ кузатилади. ИҚБнинг ёшга боғлиқ равишда тарқалиши шундан далолат берадики, қария ва ёши улуг беморлар ИАГга кўпроқ мойилликка эга.


2-расм. Жинс ва ёшга боғлиқ равишда ИАБ ошиш частотаси,



тадқиқотнинг I босқичи.

ИМТга боғлиқ равишда ИҚБ частотаси шундан далолат берадики, ИМТ ≥ 30 бўлган беморлар нормал ИМТга эга беморларга нисбатан ошган ИҚБга кўпроқ мойилликка эга (3-расм). Ичқовоқ гипертензияси кўпроқ ортиқча вазнли беморларда (42,9%) ва семизликка эга бўлган беморларда (27,3%) ҳамда ҳамроҳ касалликлари, хусусан, юрак-қон томир касалликлари (60,2%) ва қандли диабет (25,8%) бўлган беморларда ривожланиши қайд этилди (3-расм).

Тиббий ёрдамга кечикиб мурожаат қилиш ошган ИҚБ бўлган беморларнинг 60,5% да кузатилган бўлиб, бу нормал ИҚБга эга беморларга нисбатан (33,5%) анча юқори.



3-расм. ИМТга боғлиқ равишда ИҚБ частотаси, тадқиқотнинг I босқичи.

Таҳлил шуни кўрсатдики, перфоратив яра, ичак ўтмаслиги ва ўткир панкреатит билан оғриган беморларда бошқа нозологик гуруҳларга нисбатан ошган ИҚБ кўпроқ учрайди. Бу ҳолат яллиғланиш жараёнларининг оғирлиги, қон айланишининг ёмонлашиши ва ушбу ҳолатларда патологик ўзгаришлар натижасида ичқовоқ босимининг ортиши билан боғлиқ. (3-жадвал).

3-жадвал.

Нозологик гуруҳларда нормал ва ошган ИАБ

Нозологик гуруҳлар	Беморлар, n=587 (Нормал ИАБ)		Беморлар, n=329 (Ошган ИАБ)	
	абс	%	абс	%
Ўткир аппендицит	230	39,2%	50	15,2%
Ўткир панкреатит	120	20,4%	60	18,2%
Ўткир холецистит	90	15,3%	40	12,2%
Перфоратив яра	65	11,1%	80	24,3%
Ичак ўтмаслиги	52	8,9%	75	22,8%
Қорин	30	5,1%	24	7,3%

бўшлиғи органларининг жароҳати				
--------------------------------------	--	--	--	--

Ошган ИАБга эга беморларда ўлим даражаси нормал ИАБга эга беморларга нисбатан анча юқори. Эркаклар орасида ўлим даражаси ошган ИАГда 18,3% ни ташкил қилган бўлса, нормал ИАГда 8,5% ни ташкил этган. Аёллар орасида эса ушбу кўрсаткичлар мос равишда 15,7% ва 6,3% ни ташкил этди (4-жадвал). Қорин бўшлиғи органларининг жароҳати, ўткир панкреатит ва ошқозоннинг перфоратив яраси бўлган беморлар нозологик гуруҳлар орасида энг юқори ўлим даражасини кўрсатган, айниқса, ошган ИАБда (4-жадвал). Энг юқори ўлим даражаси қария ёшдаги беморларда кузатилган, бу нормал ва ошган ИАБда ҳам бирдек намоён бўлган. Кекса беморларда ошган ИАБ билан ўлим даражаси 20,5% ни ташкил қилган, бу нормал ИАБдаги 10,8% кўрсаткичдан икки барабар юқори (4-жадвал).

